



Иқтисодий Тараққиётни Таъминлашда Инновацион “8Т - Модели” Дан Фойдаланиш Имкониятлари

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Озода Мамаюнусовна Пардаева

ТДИУ Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD.

Аннотация: мақолада мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни таъминловчи инновацион “8Т - модели”дан фойдаланиш имкониятлари очиб берилган. Бунда ушбу моделга кирувчи жараёнлар ва омилларнинг ҳар бирига, хусусан талаб, таклиф, тавсия, тортишув, тартиб, тежамкорлик, таъсир, тараққиёт тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти, моделга киритилишининг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: талаб, таклиф, тавсия, тортишув, тартиб, тежамкорлик, таъсир, тараққиёт, модель.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда тараққиётнинг янги-янги ташкилий-иқтисодий механизмлари ихтиро қилинмоқда. Натижада, дунё иқтисодиётида ХХI-асрга келиб, туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Олдин содир бўлмаган янги-янги омиллар ва уларнинг ҳосиласи бўлган тенденциялар пайдо бўлмоқда. Ана шундай шароитда бугун дунё саҳнасида мамлакатимиз барча соҳаларда дадил қадам билан олдинга илдамлаб бормоқда. Ўтган 5 йилда, хусусан, 2019-2020 йилларда пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан Ўзбекистонда юз берган ижобий ўзгаришлар бутун дунё ҳамжамияти томонидан катта эътирофга сазовар бўлмоқда. Маълумки, сўнгги 7 йилда Янги Ўзбекистоннинг замонавий демократик қиёфаси қандай яратилаётгани, мамлакатни янги ривожланиш босқичига кўтариш учун белгилаб олинган стратегик йўлимизнинг тўғрилигини бутун дунё тан олмоқда ва тан бермоқда. Буларнинг ҳаммаси жамланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” китобини нашрдан чиқарди.

Мазкур китобда “Иқтисодиёт – жамият ҳаётининг танаси”, деган бўлим келтирилган. Бунда эътироф этилишича “Жаҳон бозоридаги иқтисодий вазият мураккаблашди, мамлакатлар ўртасида иқтисодий муносабатлар табиати тубдан ўзгарди. Иқтисодий рақобат ниҳоятда кучайиб, кескин ва шафқатсиз тус олмоқда”¹. Бундай шароитда мамлакатимиз ҳам ўзининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш борасида керакли тадбирларни амалга оширмоқда. Бундай вазиятда янги омиллар ва механизмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай механизмлардан бири синергетика бўлиб ҳисобланади. Бу борада Президентимиз таъкидлаганидек, “...мамлакатимиз иқтисодиётининг мунтазам такомиллашиб боришини таъминлайдиган механизмларни жорий этиш, барқарор иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ вазифаларни пухта белгилаб олиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Зотан, миллий тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишлардан бири ҳам шундан иборат”². Бундан ҳам кўриниб турибдики, “мамлакатимиз иқтисодиётининг мунтазам такомиллашиб боришини таъминлайдиган механизмларни жорий этиш”, бугунги кунда ўта долзарб. Бундай механизмларни тадқиқот жараёнида олимлар ва мутахассислар ҳам ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ этиши ҳам уларнинг инсоний бурчи ва мамлакатимиз олдидаги масъулиятига киради. Бундай объектив заруриятдан келиб чиқиб, мамлакат иқтисодий

¹ Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 127 бет.

² Ўша жойда. – 127 бет.



тараққиётини таъминлашдаги “8Т – модели” илк бор ишлаб чиқилди. Бу айнан иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий инновацион механизмлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг ислохотлари бўйича дунё мамлакатлари таркибида тегишли ўринга эга бўлмоқда. Бундай дунё эътиборига сазовар бўлиш мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлашни тақозо қилади. Бунинг бир қанча омиллари мавжуд. Улардан бири турли ёндошувлар орқали тараққиётни тезлатишдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида тараққиёт омилларига инновацион ёндошувларни тақозо қилади. Шу заруратдан келиб чиқиб, тараққиётнинг янги моделини ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда. Бу эса мазкур масаланинг долзарблигини белгилайди.

Таҳлил ва натижалар. Синергетика тараққиётни таъминловчи муҳим механизм. Тараққиётнинг “8Т – модели” ўз ичига “Т” ҳарфи билан бошланадиган 8 та сўзлардан (Талаб, Таклиф, Тавсия, Тортишув, Тартиб, Тежамкорлик, Таъсир ва Тараққиёт) иборат ҳодиса ва жараёнларни ҳамда тараққиётни тезлаштирадиган омилларни ўз ичига олади. Бу омиллар тараққиётнинг барча бўғинларида, яъни микро, мезо, макро ва мега даражаларида ҳам фойдаланилиши мумкинлиги билан характерлидир. Шу туфайли ушбу моделнинг қўлланилиш чегараси анча кенг. Буларнинг изоҳи қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Синергетиканинг тараққиётни таъминлашдаги “8Т – модели”га киритилган жараёнлар ва омилларнинг таркибий тузилиши ва уларнинг мазмуни

Т/р	Моделга киритилган жараёнлар ва омиллар	Моделга киритилган жараёнлар ва омилларнинг мазмуни
1.	Талаб	Ҳаётда у моддий бўладими ёки номоддий неъмат ҳаммасига биринчи галда талаб бўлиши керак. Талаб бўлмаган нарсага вақт, меҳнат ва маблағ сарфлаш беманилик.
2.	Таклиф	Талаб бор жойда таклиф бўлмаса ҳам мақсад амалга ошмайди. Талаб фақат талаб бўлиб қолаверади. Агар таклиф бўлмаса қондирилмаган талаб ҳолида қолаверади. Бу билан жамият, иқтисодиёт тараққий этмайди, ижтимоий ҳаёт ўнганмайди.
3.	Тавсия	Талабни қондириш ва таклифни шакллантириш ва амалга ошириш учун тавсия бўлиши керак. Тавсия ҳам моддий ва номоддий характерга эга. Моддий қисмининг асосини инвестиция, технологиялар ташкил қилса, номоддий қисми турли ғоялар, илмий тавсияларда ўз аксини топади.
4.	Тортишув	Булар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Фақат инвестицияни оладиган бўлсак ҳам, у қанча ва қай вақтда қўйиш кераклиги, қандай технологияни жорий қилиш лозимлиги каби масалалар тортишув асосида оптимал қарорга келинади ва амалга оширилади. Шу тариқа тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.
5.	Тартиб	Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ўз вақтида белгиланган миқдорда, белгиланган жойда амалга оширилиши учун қатъий тартиб ўрнатилган бўлиши ва ҳар ижрочи қаттиқ интизомга амал қилмаса, барча режалар шу буғунда барбод бўлиши ҳам мумкин.



6.	Тежамкорлик	Барча ишларда тежамкорлик фаолиятнинг асосий мезони бўлиши керак. Биринчи галда вақтни тежаш лозим бўлади. Агар буюртма ўз вақтида бўлмаса, ҳозирги рақобат шароитида ўзининг мавқеини йўқотади. Маблағ тежалиши керак. Агар бу ҳам исроф бўлса, таннархнинг ортиб кетишига сабаб бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё ва метериаллар тежамкорлигига амал қилиш керак. Буларнинг ҳаммаси корхонанинг рақобатбардош-лигини мустаҳкамлайди.
7.	Таъсир	Барча босқичларда, барча тадбирлар ўз вақтида ва тегишли миқдорда амалга оширилиши учун ички интизом билан бирга ички ва ташқи таъсир ҳам бўлишига тақозо қилади. Ҳаракатланиш ва ривожланиш учун таъсир қилиб турилмаса кўзланган мақсадга ўз вақтида эришмаслиги мумкин. Бу оқибатда самарасизликка олиб келади.
8.	Тараққиёт	Агар юқоридаги етти унсур ўз вақтида ва белгиланган миқдорда амалга оширилса, пировард натижа тараққиётга олиб келади. Таъкидлангани-дек, биринчи галда талаб бўлиши керак, шунга мос таклиф шаклланиши лозим. Бунда тавсиянинг ҳам муҳим ўрни бор. Кейинги босқич тортишувнинг бўлиши ва тартибга амал қилиниши ҳам тараққиёт учун муҳимдир. Ҳаммаси маромида бўлиб тежамкорликка амал қилинмаса ҳам кўзда тутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Буларни амалга ошириш учун эса таъсир кучи ҳам бўлиши керак. Шундагина белгиланган тараққиётга эришиш мумкин.

Ушбу жадвалда келтирилган жараёнлар ва омилларнинг таркибий тузилиши ва уларнинг мазмуни шуни кўрсатмоқдаки, синергетиканинг тараққиётни таъминлашга эриши учун микро, мезо, макро ва мега даражаларда ҳам анча мураккаб жараёнларни бориб ўтиш лозим экан. Агар диққат билан эътибор қилинса шу элементларнинг бирортасини инкор қилиб бўлмайди. Чунки талаб билан таклиф бир-бирига мос бўлмаса, албатта тараққиётга таъсир қилиши мумкинлига нафақат амалий, балки назарий жиҳатдан ҳам исботланганлигига жуда кўп асрлар бўлганлигини эътироф этиш мумкин. Кўзланган тараққиётни таъминлаш учун талабни қондириш ва таклифни шакллантириш ва амалга оширишда тавсия ҳам муҳим аҳамиятга эга экан.

Таъкидланганидек, тавсия у моддий бўладими ёки номоддий характерда бўладими бу шахслар натижадан манфаатдор бўлиши керак. Бежиз ушбу ишга ўз маблағини инвестиция қилмайди ёки илғор технологияларни жалб қилишга интилмайди. Буларнинг самарадорлигини олдиндан аниқлаш учун тавсиянинг номоддий қисмига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки булар турли ғоялар, илмий тавсияларда ўз аксини топади. Булар ҳам силлиқина амалга ошмайди. Чунки ҳозирги шароитда турли рақобат майдонида фаолият кўрсатишга тўғри келиб турибди. Бу эса ҳар бир ишни тўғри йўлга қўйишни тақозо қилади.

Тараққиётни таъминлашга қаратилган вазифалар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун зараур бўлган инвестицияни оладиган бўлсак, инвестор ўзининг даромадини, ҳар йили қанча ва неча йида қопланади ва неча йил давомида фойда олиб туриши аниқ белгиланган бўлишига билишни хоҳлайди. Хуллас инвестициянинг миқдори қанча ва қай вақтда қўйиш кераклиги, қандай технологияларни жорий қилиш лозимлиги каби масалалар ҳам аниқ бўлиши керак. Буларнинг ҳаммасим иштирокчиларнинг фикрларини жамлаб тортишув асосида амалга оширилади ва шу йўл билан оптимал қарорга келинади. Буларнинг




хаммасининг ўз вақтида ижросини таъминлаш лозим бўлади. Бунинг учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу ҳам тортишув асосида қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тараққиётни таъминлашда тартибнинг ўрнатилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ўз вақтида белгиланган миқдорда, белгиланган жойда амалга оширилиши учун, юқорида таъкидланганидек, қатъий тартиб ўрнатилган бўлиши ва ҳар бир ижрочи қаттиқ интизомга амал қилиши ҳам лозим бўлади. Агар тартиб-интизом ўрнатилган даражада бўлмаса, барча режалар шу буғунда барбод бўлиши ҳам мумкин. Бу эса, юқоридаги барча қилинган ишларга путур етказди ва алал оқибат тараққиётга эришмасликка ҳам олиб келиши мумкин. Шу туфайли иқтисодиётнинг ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида (микро, мезо, макро, мега) қаттиқ, таъсирчан тартиб-интизом ўрнатилган бўлиши шарт.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг микро, мезо, макро ёки мега даражасида бўладими тежамкорлик принципига амал қилиш тараққиётнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Барча ишларда тежамкорлик принципига амал қилиш одамлар фаолиятнинг асосий мезони бўлиши керак. Барча нарсалар маълум даражада чегараланган. Жумладан, вақтни оладиган бўлсак, у иунтазам ўтаверади. Ундан ўз вақтида фойдаланиб қолмасангиз орқага қайтмайди. Ўтган вақт ўтди. Агар фойдалана олмаган бўлсангиз вақтингиз исроф бўлганлиги шу бўлади. Шу туфайли биринчи галда вақтни тежаш лозим бўлади. Агар бирорта субъект буюртмани ўз вақтида бажармаса, ҳозирги рақобат шароитида ўзининг мавқеини йўқолади. Буюртмачи қайтиб унга мурожаат қилмаслиги мумкин. Бу ҳам тараққиётга катта тўсиқ ҳисобланади. Яна бир омил ишлатиладиган маблағнинг ҳам тежалишига эришиш лозим бўлади. Агар бу ҳам исроф бўлса, таннархнинг ортиб кетишига сабаб бўлади. Бу ҳам буюртмачиларни ўзидан қочқитади, товари қимматлиги туфайли бозоргир бўлмайди ва мос равишда, рақобатда заифлашиб боради. Агар ишлаб чиқариш жараёнини инобатга оладиган бўлсак, бу ерда ҳам хом ашё ва материаллар тежамкорлигига амал қилиш керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси корхонанинг, худуднинг, тармоқнинг, давлатнинг ҳозирги пайтда энг зарур бўлган рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди.

Тараққиёт учун таъсирнинг ҳам ўрни бор. Тараққиёт “8Т – модели”га киритилган жараёнлар ва омиллар кетма-кетлигининг барча босқичларда, барча тадбирлар ўз вақтида ва тегишли миқдорда амалга оширилиши учун юқорида таъкидланганидек, ички интизом билан бирга ички ва ташқи таъсир ҳам бўлишгини тақозо қилади. Ҳар қандай бошқарув механизмида ҳаракатланиш ва ривожланиш учун таъсир қилиб турилишини талаб қилади. Агар ушбу жараён бўлмаса кўзланган мақсадга ўз вақтида эришмаслиги мумкин. Бу оқибатда самарасизликка олиб келади. Бу самарасизликнинг оқибати, тараққиётга салбий таъсир қилиш билан бирга рақобатбардошликнинг пастлигига ҳам олиб келади. Бундан ҳам кўриниб турибдики, тараққиётнинг “8Т – модели”га киритилган жараёнлар ва омилларнинг самарали ишлаши учун таъсир кучи ҳам ўз ўрнида бўлишгини тақозо қилар экан.

Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти муҳим ҳаётий аҳамиятга эга. Шу йўл билан аҳолининг фаровонлиги ошади, яшаш даражаси ва сифати кўтарилади. Агар юқоридаги етгита унсур ўз вақтида ва белгиланган миқдорда амалга оширилса, пировард натижа мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққиётини таъминлайди. Юқорида кўрилганидек, тараққиётнинг замирида биринчи галда талаб туради. Талаб бўлмаса ҳеч қандай интилиш бўлмайди. Яна бир муҳим жиҳат, шунга мос равишда таклиф ҳам шаклланиши лозим. Бунда тавсиянинг ҳам муҳим ўрни бор. Таклифни қондириш учун нима қилиш керак, қанча ишлаб чиқиш керак ва ҳоқозо саволларнинг аниқ ечими бўлиши лозим. Кейинги босқичда музокараларни, маслаҳатлар ва бу йўналишда тортишувларнинг бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Барча босқичларда тартибга амал қилиниши ҳам тараққиёт учун муҳимдир. Ҳаммаси маромида бўлиб тежамкорликка амал қилинмаса ҳам тараққиёт бобида белгиланган мақсадга эришиб бўлмайди. Буларни амалга ошириш учун эса юқоридаги барча босқичларда таъсир кучи ҳам бўлиши керак. Шундагина белгиланган тараққиётга эришиш мумкин. Мамлакат тараққиёти унинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш билан бирга,



рақобатбардошлигини ҳам оширади. Бундай давлат ва жамият аҳолининг бахтини яшаши учун тегишли имконига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз тараққиётини таъминловчи “8Т - модели” ўз ичига талаб, таклиф, тавсия, тортишув, тартиб, тежамкорлик, таъсир, тараққиёт тушунчаларини қамраб олиши, уларнинг микро, мезо, макро ва мега даражадаларда ҳам қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Шундай қилиб, ушбу моделдан фойдаланиш натижасида мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлиги ошади, яшаш даражаси ва сифати кўтарилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 бет.
2. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма 2-қисм., - Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2001. 26 бет. [https://ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/iqtisodiyot/Iqtisodiy%20tahlil.%20-qism%20\(M.Pardayev,%20B.Isroilov\).pdf](https://ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/iqtisodiyot/Iqtisodiy%20tahlil.%20-qism%20(M.Pardayev,%20B.Isroilov).pdf).
3. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 2-нашр. - Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021. - 588 бет. http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2021/03/3_BA.-2021.pdf
4. Пардаев Мамаюнус Каршибаевич, Пардаева Озода Мамаюнусовна Американский журнал экономики и управления бизнесом. 2020. 3 (2), 45-54. <https://scholar.google.com/citations?user=UPzhUusAAAAJ&hl=ru>